



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 26 июль, № 145 (5312)

Сешанба



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Мустақил мамлакатимиз тараққиёт йўлидан собит бормоқда. Бу йўлда илк галабаларимиздан бири — мамлакатимиз иқтисодиётида янги тармок — автомобиль саноатининг яратилиши бўлди.

Ислон КАРИМОВ



Бугун бутун дунё Ўзбекистонни тинчлик ва тотувлик мустақам қарор топган, иқтисодиёти барқарор ривожланаётган, кўна тарих ва замонавий цивилизация ютуқларини ўзига уйғунлаштирган мафтункор юрт сифатида яхши билади. Амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тамойилларини ўз ичига олган тараққиётнинг “Ўзбек модели”га халқро миқёсдаги бир қатор эътирофлар фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

«ЎЗБЕКИСТОНДА АСРГА ТАТИГУЛИК ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА»

Бугунги кунда давлатимиз дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жуда кўплаб мамлакатлар билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб, ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида Корея Республикаси алоҳида урин тутади.

Мухбиримиз ушбу давлатнинг юртимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван билан давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусида суҳбатлашди.

— Аввало, шуни таъкидлашни истардимки, бу йил мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганига 19 йил тўлади, — дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. — Ана шу кичик давр мобайнида ўзаро дўстлик ва сўбей-ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ҳамкорлик мустақам равнақ топиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунга икки давлат раҳбарлари ўртасида ўн марта олий даражали учрашув бўлиб ўтди. Бу эса ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга замин яратди.

Таъкидлаш лозимки,

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлидаги ташаббуслари эътиборга лойиқ. Мамлакатимизнинг бу ҳаракатларини Корея Республикаси стратегик ҳамкор сифатида доимо қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, икки мамлакат ўртасидаги парламентларaro

Бизнинг интервью

Ўзаро алоқалар ҳам тобора мустақамлашиб бораётган. Жумладан, 2008 йил августда Корея Республикаси парламент делегациясининг Ўзбекистонга, 2008 йил ноябрь ойида ўзбекистонлик аёл депутатларнинг Корея Республикасига ташрифи уюштирилди. Яна шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон келгуси йили Йосу шаҳрида ташкил этиладиган йирик иқтисодий форум — “Евро — 2012”да иштирок этади. Бу юртингиз қўлга киритаётган улкан ютуқларнинг яна бир эътирофидир. Мамлакатларимизнинг шаҳарлараро алоқаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Хозирги кунда Тошкент ва Сеул, Фарғона ва Йонинг, Наманган ва Сонган шаҳарлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик келишувлари мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ОНА ЮРТ ТАРАННУМИ

Маълумки, Президентимизнинг 2009 йил 7 апрелдаги қарори асосида “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танлови ҳар йили мунтазам ўтказиб келинмоқда. Яқинда “Туркистон” саройида ушбу танловнинг “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси тизими бўйича республика босқичи бўлиб ўтди.

— “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танловининг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди ташкилий гуруҳ раҳбари, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Хайдаров. — Бу йилги танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 3 минг нафардан зиёд хаваскор ҳамда профессионал хонанда ва жамоалар иштирок этгани ҳам ана шундан далolat бериб турибди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри туман ва шаҳарларида ўтказилган биринчи ҳамда иккинчи босқичда ишончли қатнашган 324 нафар иштирокчи кейинги босқичга йўланма олди.

Кўрик-танловнинг “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси тизими бўйича ўтказилган республика босқичида 26 нафар иштирокчи ўзаро беллашди. Тажрибали бастакорлар, танкили шоир ва эстрада хонандаларидан иборат ҳаммалар хайъати уларнинг ижрочилик маҳоратини ўн балли тизим асосида баҳолаб боришди. Хусусан, танловда кўшиқ мусикасининг оригиналлик, матнларнинг тасвирчанлиги, матнларнинг тасвирчанлиги, халқчилиги ва уларда Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат гоиларининг нечоғли сингдирилганига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 4-бетда).

ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАСИ

Юксак марраларнинг тамал тоши

Мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кутиб олиш учун кенг кўламли тайёрлик ишлари олиб борилмоқда. Мустақиллик ўзгичилигини англаш, саховатли заманимиз бойликларини, халқимизнинг улкан яратувчанлиги ва интеллектуал салоҳиятини Ватанимиз равнақи, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашимиз, буюк орзуларимиз рўёби йўлида сафарбар этиш имконини берди. Тарихан қисқа даврда юр-

тимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатлари асосида ривожлантириш ва тараққиёт элган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган улкан ютуқларимиз жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирмоқда.

Истиқлол шарофати билан ўн беш йил аввал Ватанимиз, миллимиз салоҳиятининг яна бир тимсоли — Асака автомобиль заводи ишга тушди — бу ерда биринчи ўзбек енгил автомобиласи ишлаб чиқарилди. Бу муваффақиятимизнинг аҳамиятини хуррият-

мизнинг йигирманчи довоида янада теран англамоқдамиз. Бундай улкан корхонани қуриш, илгор халқроқ стандартларга жавоб берадиган технологияларни жорий этиш, маҳаллий кадрларнинг шундай технологияларни ўзлаштириши каби мураккаб масалалар ҳар қандай давлат ҳам ундай оладиган иш эмас.

Ўзбекистонда автомобиль заводининг қурилишига Президентимиз Ислон Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Корея Республикасига ташрифи, шу аснода “Daewoo Motors” корпорацияси билан танишуви чоғида асос солинган эди.

Орадан кўп ўтмай, автомобилсозлик соҳасида кўшма корхона барпо этиш ҳақидаги ҳужжат имзоланди. 1993 йилнинг мартида “ЎздЭУавто” Ўзбекистон — Жанубий Корея кўшма корхонаси ташкил этилди ва Асака шаҳрида автомобиль заводи қурилиши бошланди.

Файрат-шижоат билан киришилган бу ишларга аввалига белгисизлик билан қараганлар ҳам, халқимизнинг салоҳияти ва имкониятларини шубҳа остига олганлар ҳам бўлди. Ўттиш даври мураккаблиқлари иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиб турган, молиявий тақчил-

лик шароитида, мамлакатимиз билан олдинма-кейин мустақиллигини эълон қилган давлатлар қорин даражидан бошқасини ўйлашга чора тополмай турган бир пайтда шундай катта лойиҳани амалга ошириб бўладими ўзи?! Лекин давлатимиз раҳбарининг қатъияти, жасорати, узқини кўзлаб иш тутиши самараси ўлароқ, корхона муддатидан анча олдин, икки ярим йилда қуриб битказилди.

1996 йил 19 июль кунин Асакада “ЎздЭУавто” кўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлди.

(Давоми 2-бетда).

ҲОКИМИЯТ ТАРМОҚЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЎЗАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ

жамиятда қонун ижросини таъминлашнинг муҳим омилдир

Истиқлол йилларида мамлакатимизда демократик бошқарувга асосланган ҳуқуқий давлатни шакллантиришдек ўта мураккаб вазифа амалга оширилдики, бу пировардида юртимиз мустақил тараққиётини таъминлаш имкониятини яратмоқда. Демократик жараянларни ривожлантириш учун дастуриямал бўлган бозор муносабатларига ўтишни ҳосил қилиш буюк ҳақиқат бўлди. Бу муваффақиятимизнинг аҳамиятини хуррият-

миз асоси бўлди. Албатта, тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди, у доимо

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

ҳаракатда давом этадиган жараён дир. Мазкур жараён эса, табиийки, янгидан-янги вазибаларни келтириб чиқаради. Бу вазибалар мамлакатимиз эришяётган бугунги марраларни янада мустақамлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Шу маънода айтган-

да, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси республикаимизнинг галдаги тараққиёт босқичи учун назарий манба бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, Концепцияда белгиланган вазибалар кўламини ниҳоятда катта бўлиб, уларни изчиллик билан амалга оши-

риш юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига шарт-шароит яратди, албатта. Зеро, ушбу дастуриямал ҳужжатда белгиланган вазибалар асосида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Энг муҳими, бугун улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ФАЙЗУ БАРАКА ЗАМИНИ

Бир зумда чарчоқларим чиқиб, мавсум қийинчиликлари ҳам унутилгандек бўлди. Ахир камтарона хизматинг давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилса, бундан ортиқ бахт борми, инсонга?

Дехқончилик учун ноқулай келган бу йилги об-ҳаво шароитида ҳосил тўшлаш осон кечмади. Кузда ва қўлдамда ёғингарчиликнинг ниҳоятда

кан хирмонда бизнинг ҳам муносиб улушимиз борлиги қалбимизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотмоқда.

Бу йил 67 гектар майдонда бугуннинг “Чиллаки” навини парваришлаган эдик. Унинг ҳар гектаридан 74 центнердан ошириб ҳосил олдик. Давлатга 214 тонна ўрнига 246,7 тонна

галла сотиб, зиммамиздаги шартнома мажкам бўлиши сугориладиган ерларда ҳам бугунги ниҳолларини беҳато ундириб олишда бирмунча қийинчиликлар туғдирди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Фақат ташки тўғри ва оқилона ишчи этиш, агротехник тадбирларни пухта ўтказиш, барча куч ва имкониятларни ҳосилни сақлаб қолишга сафарбар қилиш, ҳар томи суздан тежамкорлик билан фойдаланиш деҳқонларимизга буюк оғир сновдан ёруғ юз билан чиқиш имконини берди”.

Дарҳақиқат, юртимиз галлакорларни табиат инжиқликларини омилкорлик ва фидойи меҳнат туйғулари энгиб, эл-юртинг ишончини оқлади. 6 миллион 800 минг тонна бугунги етиштириб, уларнинг олқишига сазовор бўлди. Яратилган бу ул-

буриятини 113 фоизга бажардик. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Узимизга ҳам салкам шунча галла қолди. Уни хўжалигимиз ишчилари билан бўлишиб олдик. Уйимиз донига тўлди!
Ёшлигимизда нуроний кишилар бирор хизматимизни алқанган чоғларида “Илоҳим, уйинг донга тўлсин”, деб суярдилар. Ана шу зегу тилақлар истиқлол йилларида рўёбга чиқди. Ўз дониимизга, беиминат номимизга эга бўлдик. Масалан, бизнинг Балиқчи туманимизда 258 та фермер хўжалиги галла етиштирган бўлса, улар гектаридан ўртача 45 — 70 центнердан сара дон йиғиштириб олдилар ва шартномани ортиги билан удраладилар.

(Давоми 2-бетда).

Тошкент шаҳрида 25 июль кунин Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида “Кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш” лойиҳаси бўйича навбатдаги Алмашув ноталари имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, таълим йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани,

ажратган. Япония ҳукумати билан 1999 йилдан буюн амалга ошириб келинаётган кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Имзоланган навбатдаги ҳужжатга мувофиқ, юртимиздан бир неча талаба ўз мутахассислиги бўйича Япониянинг нуфузли университетлари магистратура босқичида тахсил олиши учун икки миллион олти юз минг АҚШ доллари миқдоридан грант ажратилади.

Ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арипов ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ёсихиса Курода имзоланди.

(Ў.А.).

КЕЛАЖАККА ТАҲДИД ҚИЛМАЙЛИК

Ким ҳам билмайди, табиатнинг тўрт унсуридан бири сув. У бор бўлса, қўқлаб, бўлмаса қақир тиканак.

“Халқ сўзи” газетасида “Яна бир бор Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга оширишнинг оқибатлари тўғрисида”ги мақолани ўқидим-у, юрагим увушди. Юртбошимизнинг бу масалада қўйиб-пишиб айтган сўзлари нечоғли ҳаёт-мамонт эканлигини чуқур англадим. Ноинсофлик эви билан-да. Уйлаб кўринг, сув бошига 350 метрлик осмонулар тўғон қурилса, у неча йилда тўлади? Айтишларича, 8 йил. Саккиз йилда бизга неча ариқ сув келади? 10, 20, 50 ариқми? Ким ҳисоб-китоб қилади буни?..

Узун деган жаннатмонанд манзил саккиз йилда чақалзорга айланган қолса, нима бўлади? Бунга ким жавоб беради? Ети пуштиимизнинг мазори Узунда. Ҳар Наврўз қабристони тозалай-

миз, ариқларидан зилол сув оқаётганини кўриб, кўнглимиз таскин топади. Саккиз йилдан сўнг болаларимиз руҳи чирқираб қолса — мен қандай яшайман, узунликлар қандай яшашиди?

Муносабат

Савол туғилади. Нега Роғун ГЭСини қуришга панжа урганлар мени, менга ўхшаган миллион-миллион оддий одамлар тақдирини ўйинчоқ қилишди? Билиб қўйинглар, тақдиримиз ўйинчоқ эмас.

Тоғ борки, зилзилани чақириб туради. Худо кўрсатмасин, зилзила бўлиб, тўғон ёрилса — кўпчиликнинг уруғи қурилади-ку!

Дангали, инсонларнинг келажагини назар-писанд

этмаганларни ким деб аташ мумкин?.. Йўқ, одам боласи бир-бирини авайлайди, кадрлайди, хурмат қилади. Зинҳор-базинҳор офату боласини раво кўрмайди.

Одам боласи ақли расо бўлсин, Худодан кўрсин. Акс ҳолда...

Ундай денг, бундай денг, иймонсиз одамгина биродарлари бошига қулфат тушишини истади.

Ниятим, ҳаммага инсоф берсин. Иймонсиздан айирмасин. Роғун ГЭСи деган ҳафзу хатар билан ўйнашиб бўлмаслигини тушуниб, беъмани хомхаёлни ўзларидан нари қилсинлар. Келажакка таҳдид қилмайлик. Бор гап шу.

Абдукарим ТУРДИЕВ, Узун туманидаги “Олтин бошоқ” фермер хўжалиги раҳбари.

ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ

Шофиркон туманидаги Мирзоқул қишлоғида яшовчи тадбиркор Мамон Аҳмедовнинг ҳовлисида кўчма асалари уялари бор. Ҳамқишлоқлари шу уялар эгаллаган мўъжаз худудга “Хазиналар ороли” деб таъриф беришади.

— Туманимиздаги асаларичилик ҳўжалигининг юк машинасини ҳайдардим, — деб эслайди Мамон ака. — Асалари оилаларини узоқ жойларга элтиб бериш менинг зиммамда эди. Дўстларимнинг даъвати билан 1995 йилда ўзим ҳам асалари боқишга киришдим. Даставвал ўн қути асалари оиласи сотиб олдим. Билмаганларимни тажрибали ҳамкасблардан ўргандим. Шу ишга меҳр кўйдим.

Асаларичиликнинг ҳам ўзига яраша машаққати, нозик ҳижратлари кўп, албатта. Асалари оилаларини узоқ жойларга кўчириш, даштма-дашт, дала-дала юришининг ўзи бўлмайди. Одатда, апрель ойининг бошларида Жилвон қўлларида каврак қийғос гуллайтиди. Унга тўйинган боларининг асали жуда тотли бўлади. Кейин эса асалари оиласини Мойбулоқ қишлоғига кўчиришади. Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидаги бу маскан сершира ўсимликларга бой. Ораддан кўп ўтмай янтоқ гуллайтиди. Кейин эса навбат гўза гулига етади. Асалари мириқиб ширага

тўйнади. Гул ширасини йиғайди, асал тўплайди. Ана шундай кезларда Мамон ака боларидан икки бор, баъзан уч бор асал олади.

— Мамон Аҳмедовни узоқ йиллардан буён биламан, — дейди асаларишунос олим, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди Омон Тўраев. — Бухоро вилоятининг ўзига хос иқлим шароити асалари оиласини тезкор технология асосида боқиш учун қулайдир. Бинобарин, Мамон Аҳмедов каби асаларичилар тажрибасини оммалаштириш фойдадан холи эмас.

Ҳозир вилоятдаги шахсий ёрдамчи деҳқон ҳўжаликларидан 7400 дан зиёд асалари оиласи мавжуд. Агар илғор тажрибалар оммалаштирилса, асал кўргазмалари ташкил этилса, танловлар уюштирилса, тармоқ янада ривожланар, қўшимча иш ўринлари юзага келган бўлар эди. Қолаверса, асаларичилик — гоятда сердаромад соҳа. Буни Мамон аканинг куйидаги сўзлари ҳам тасдиқлайди.

Асаларичилик

— Асаларичилик ортидан орзу-ҳавасларимиз ушалмоқда, — дейди у. — Ҳозир бизда 80 қути асалари оиласи бор. Уларни фарзандим билан парвариш қиламиз. Уғлимни уйлантирдим, уйли-жойли қилдим. Иккимизда ҳам ёнги автомашина бор. Йил қулай келган дамларда ўзимизга қарашли асалари оилаларидан икки тоннадан ошириб асал олиш мумкин. Унинг ҳар килограмминини кўтарасига олти минг сўмдан сотамиз. Соф фойда эса ўн миллион сўмдан кам бўлмайди. Билсангиз, асалари тозаликни хуш кўрадиган ноёб ҳашаротдир. Уларнинг уясига кириб-чиқшининг ўзига хос қонунлари бор. “Посбон”, “Подшоҳ”, “Ишчи”, “Энага” каби асалариларнинг хизматларини айтиб берсам, лол қоласиз...

Жорий йилда асалари оилалари сонини 100 тага етказишни мақсад қилган Мамон аканинг бу сўзларини тингларкансиз, қишлоқдошларининг ҳақлигига ишонч ҳосил қиласиз. Асалари оилалари парвариш қилинаётган павильонни чиндан ҳам хазиналар оролига қиёслаш мумкин. Мазкур хазина ҳалол меҳнат, тадбиркорлик, иштиёқ ва меҳрдан яралган. Шу боисдан ҳам бу ордан барака аримайди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Реклама ва эълонлар

Юртимизда амалга оширилаётган қурилиш, бунёдкорлик ишларини лойиҳалаштириш ва амалдаги меъёрларга мос қилиб ташкил этишда геодезия ва картография соҳасининг муҳим ўрни бор. Нега деганда, кундан-кунга чирой очаётган шаҳару қишлоқларимизнинг бош режалари Давлат картография-геодезия фонди материаллари асосида яратилмоқда.

Автомобиль ва темир йўллари қуриш ҳамда реконструкция қилиш, ирригация иншоотларини тиклаш ҳам геодезия маълумотларидан унумли фойдаланиш муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилади. Шу

дан экспертиза қилиниб, ижобий ҳулоса берилгандан кейин чоп этилади. Геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш соҳага йўналтирилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, режалаштирилаётган ишларнинг сифатли таъминлаш ҳамда такрорий фаолиятга, яъни бир иш бир вақтда икки ташкилот томонидан бажарилмаслигини назорат қилади. Бундан ташқари, режалаштирилаётган ишларга тайёрланган техник лойиҳалар Инспекция эксперт гуруҳи томонидан кўриб чиқилади ва мавжуд

ва 1889 йилда нашр этилган топографик харита каби нодир архив ҳужжатлари ҳам сақланмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ўзгаришлар киритиб бориладиган маълумотнома тарикасидаги харитасини юритиш учун юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Инспекцияда алоҳида бўлим фаолият олиб бормоқда. Янги қурилган темир ва автомобиль йўллари, каналлар ҳамда бошқа муҳим объектлар навбатчи хариталарда акс эттирилиб, кейинги нашр қилинадиган хариталарга киритиб боришмоқда. Шунингдек, географик жой ном-

хамжамияти билан интеграциялашуви жараёнига тааллуқли ҳуқуқий асосларни яратиш ҳамда фан-техника ютуқларидан геодезия ва картография соҳасида кенг-роқ фойдаланишга қаратилган интилишлар натижасида норматив ҳужжатларга қўшимча аммо ташкилоти бўлиб бормоқда. Янги қурилган темир ва автомобиль йўллари, каналлар ҳамда бошқа муҳим объектлар навбатчи хариталарда акс эттирилиб, кейинги нашр қилинадиган хариталарга киритиб боришмоқда. Шунингдек, географик жой ном-

Давлат геодезия нazorати инспекцияси: БУНЁДКОРЛИК МЕЗОНИ

боис Давлат геодезия нazorати инспекцияси ходимлари картографик материаллари ва геодезик маълумотларни истеъмолчиларга тезкор етказиб беришни устувор вазифа деб билдилар. Биргина 2010 йилда 13500 донна топографик харита, 600 донна геодезия пунктлари тўғрисидаги маълумотлар тегишли тартибда истеъмолчиларга тақдим этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Таъкидлаш керакки, Давлат геодезия нazorатини юритишнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг “Геодезия ва картография тўғрисида”ги Қонунда аниқ белгилаб қўйилган.

Давлат картография-геодезия фонди Инспекция таркибига кирувчи ташкилот ҳисобланади. Бу ерда геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, график, рақамли, фото ҳамда бошқа шаклларда тақдим этилган умумдавлат ва тармоқлараро аҳамиятга эга геодезик, картографик, топографик, аэро ва космос тасвирлар, гравиметрик материаллар, маълумотлар сақланади. Ҳозир ушбу фонда 1865 йилда тузилган астрономия-геодезия ишига оид техник ҳисобот

лари, маъмурий-худудий ўзгаришлар ва Давлат чегаралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўзгаришлар ҳамда тегишли маълумотномаларда қайд этилади. Юқорида айтилганидек, геодезия ва картография соҳасидаги норматив ҳужжатларга амал қилинишини назорат этиш давлат геодезия нazorатининг асосий вазифасидир. Шу ўринда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар самараси ултароқ, турли хил мулкчилик шаклларининг вужудга келиши ва улар билан муносабатларни тартибга солиш Ўзбекистоннинг жаҳон

Мустақиллик йилларида геодезия пунктларини ҳисобга олиш мақсадида Инспекцияда махсус компьютер дастури ишлаб чиқилди ва уларнинг электрон базаси яратилди. Мамлакатимиз худудидаги барча геодезия пунктлари, триангуляция ва полигонометрия пунктлари, баландлик реперлари тўғрисидаги маълумотлар ҳозир ушбу электрон базага киритилган.

Давлат картография-геодезия фонди Инспекция таркибига кирувчи ташкилот ҳисобланади. Бу ерда геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган, график, рақамли, фото ҳамда бошқа шаклларда тақдим этилган умумдавлат ва тармоқлараро аҳамиятга эга геодезик, картографик, топографик, аэро ва космос тасвирлар, гравиметрик материаллар, маълумотлар сақланади. Ҳозир ушбу фонда 1865 йилда тузилган астрономия-геодезия ишига оид техник ҳисобот

Замонавий геодезия ва картографияда Ерни маъсофадан туриб зондаш натижасида олинган маълумот, маълумот ва рақамли аэрофототасвирлардан фойдаланган ҳолда рақамли хариталар яратишда кенг қўлланилмоқда. Рақамли хариталарни яратишда республикамизда етарли тажриба тўпланган бўлса-да, хорижий давлатлар илғор тажрибасига эътибор қаратиш, муҳим янгиликларни, жумладан, соҳага оид халқаро стандартларнинг Ўзбекистонда ҳам қўлланилиши соҳанинг янада тараққий этишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Камолитдин ФАЙЗУЛЛАЕВ, Давлат геодезия нazorати инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Ободлик

“Камолот” ЕИҲ Хоразм вилояти Кенгаши ташаббуси билан ёзги таътилда талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида “Бунёдкор” талабалар ҳаракати ташкил этилди.

ТАЛАБАЛАР ШИЖОАТИ

Ҳозир 1500 нафарга яқин талаба қурилиш-таъмирлаш, ободончилик ишлари, сервис соҳаси ва қишлоқ ҳўжалиғи тармоқларида меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, бу йилги “Бунёдкор”лар гуруҳларига талабалар билан бир қаторда 500 нафарга яқин ёшлар ҳам аъзо бўлишган.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

UZTRANSOAZ

«ЎЗТРАНСКАЗ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

Хурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишга мувофиқ, **жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

HP таърифу қўлиб Windows 7 Professional.

BIZNESNING xavfsizligi

HP ProBook 4520s

HP ProBook 4520s – to'siqlarsiz hayot. HP CarePack Services kengaytirilgan kafolati.

HP CarePack Services kengaytirilgan kafolati

2011 Preferred Partner

ТХМ Информатика 241-09200

Маҳсулот сертифициланган.

ИПОТЕКА-БАНК

АКЦИЈАДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

Ёнро ва иншоотларни сотиш бўйича танлов эълон қилинади.

Бино ва иншоот: мукай майдон — 5700 м², 4 қavatли манарли бино, 2 қavatли оғборона, гараж, шийтон ва кўрковулқондан иборат.

Жойлашган макон: Тошкент шаҳри, Янги-Yил қишлоғи, Бонгбўстон кўчаси, 243-йў.

Болакачи баҳоси — 2 900 000 000,0 сўм.

Танлов аржадар 2011 йил 11 август куни соат 16.00 ланг қўйиб қўйилади.

Бино ва иншоотларни сотиш олдчи бўйича қарздорларнинг тақлифлари қорланган қонунларда тақдим этилган ҳолда.

Мурожаат ўрни телефонлар: (8-371) 150-70-78, 150-23-24.

ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ ҚҚ

ТАБИИЙ ҚУВУРЛАР

ўзнда ишлаб чиқарилган куйидаги махсусотларни қардорларга тақдим этади (нархлар ККС билан қўшиб қисобланган)

ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.

ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.

ГОСТ 8630-82, ўлчамлар: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

ГОСТ 8645-83, ўлчамлар: 30x20, 40x25, 50x25, 30x50, 40x50, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.

Девор қилинган 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

Н-17, Н-25, Н-38, Н-50, Н-57, Н-75 диаметри 0,4-3,7 мм., ўтувчи 2 мм., дан 14 мм. гча;

Бундан ташқари:

— қарорловчи ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 2 950 000 сўм.

Маълумотлар сотувчи томонидан.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

